

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛХЎЖАЕВ ФАРРУХ ИКРОМОВИЧ

**ПОСТРЕПРОДУКЦИОН ДАВРДА ИНГИЧКА ИЧАК
НЕЙРОЭНДОКРИН ТУЗИЛМАЛАР МОРФОЛОГИЯСИ ВА СУЯК
ТЎҚИМАСИНИНГ МИНЕРАЛИЗАЦИЯСИ**

14.00.02 – Морфология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Холхўжаев Фаррух Икромович

Пострепродукцион даврда ингичка ичак нейроэндокрин тузилмалар
морфологияси ва суяк тўқимасининг минерализацияси 3

Холхужаев Фаррух Икромович

Морфология нейроэндокринных структур тонкой кишки и минерализация
костной ткани в пострепродукционном периоде 24

Kholhuzhaev Farrukh Ikromovich

Morphology of neuroendocrine structures small intestine and bone mineralization
tissue in the post-reproductive period 46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 50

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛХЎЖАЕВ ФАРРУХ ИКРОМОВИЧ

**ПОСТРЕПРОДУКЦИОН ДАВРДА ИНГИЧКА ИЧАК
НЕЙРОЭНДОКРИН ТУЗИЛМАЛАР МОРФОЛОГИЯСИ ВА СУЯК
ТЎҚИМАСИНИНГ МИНЕРАЛИЗАЦИЯСИ**

14.00.02 – Морфология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/Tib3008 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб саҳифасида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Орипов Фирдавс Суръатович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар

Хасанова Дилноза Аҳроровна
тиббиёт фанлари доктори

Шатманов Сўйнаи Токтоназарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Ижевск давлат тиббиёт академияси (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро Давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____куни соат _____даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А. Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)

Диссертация билан Бухоро Давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: Бухоро шаҳри А. Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____куни тарқатилди.

(2023 йил «___» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Казакова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш Илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Б.З.Хамдамов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Остеопороз - бу скелетнинг тизимли метаболик касаллиги бўлиб, у суяк компакт моддасининг камайиши ва суяклар сениш хавфининг ошиши билан тавсифланади. Остеопорознинг ижтимоий аҳамияти унинг оқибатлари, яъни умуртқа поғонаси ва периферик скелет суякларининг сениши билан белгиланади. Кекса ва қари ёшдаги одамларда суякларнинг остеопоротик ўзгаришлар натижасида келиб чиқадиган паст энергияли сенишлар ногиронликнинг асосий сабабларидан биридир. Касалликнинг диагностик ноқулайлик тарафи шундан иборатким, «...у секинлик билан ривожланади ва аксарият ҳолатларда клиник жиҳатдан унинг асоратлари юзага намоён бўлгандан сўнг, яъни сенишлар кузатилганда ташхисланишидир...»¹. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра остеопороз юқумли бўлмаган касалликлар орасида юрак-қон томир тизими касалликлари, онкологик патология ва қандли диабетдан кейин тўртинчи ўринда туради. Бу ташкилот маълумотларига кўра «...сон суяги бўйинчасининг остеопоротик сенишлари билан дунёда ҳар йили 800 мингдан бир миллионгача бўлган беморлар стационар даволанишади ва бу беморларнинг кўпроқ қисмини аёллар ташкил қилади...»².

Алиментар сенил остеопороз суяк тўқимасининг кенг тарқалган патологияларидан ҳисобланади ва шу сабабли юзага келадиган суякнинг патологик сенишлари беморни узоқ вақтга тушакка боғлаб қўяди ва хатто ўлим ҳолатларига ҳам олиб келади. Алиментар сенил остеопороз суяк тўқимасининг юқори даражадаги резорбцияси билан боғлиқ. Бундай ҳолатларда ингичка ичакда кальций сўрилиши бузилиши натижасида суяк ҳосил бўлишининг сусайиши кузатилади. Моддаларнинг ингичка ичакда сўрилиши, шу қаторда кальцийнинг сўрилиши унинг диффуз эндокрин ва нерв аппаратлари билан боғлиқдир. Улар ингичка ичак ҳошияли (сўрувчи) эпителиоцитларининг функциясига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Серотониннинг ичакнинг моторикасига, жумладан унинг нейроэндокрин аппаратига стимуловчи таъсири, қондаги кальций миқдори ва суякларнинг минерал зичлигига, ҳамда нейроэндокрин аппарат (ичак функцияси бошқарув тизими) морфологиясига, шу жумладан остеопороз профилактикасига таъсирини ўрганиш муҳим долзарб муаммо ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан «...алиментар сенил остеопороз шароитида ингичка ичак морфологиясини, айниқса унинг нейроэндокрин аппаратини ўрганиш, долзарб муаммо ҳисобланади...»³.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, хусусан, суяк минерал зичлигининг пасайиши билан кечадиган остеопороз касаллигининг

¹ Дехканов Т.Д. и др. Морфология флюоресцирующих структур двенадцатиперстной кишки //European research, 2019. С. 183-187

² Хамдамова М. Т., Ахматова Д. Ф. Остеопороз у молодых женщин репродуктивного возраста, факторы риска //Биология и интегративная медицина. – 2021. – №. 1 (48). – С. 146-159.

³ Дудинская Е. Н. и др. Остеопороз у пожилых пациентов //Остеопороз и остеопатии. – 2019. – Т. 22. – №. 3. – С. 34-40.

ногиронликка олиб келувчи ҳаёт сифатининг кескин ёмонлаштирувчи асоратларини камайтириш, шунингдек, касалликнинг даволаш усулларини такомиллаштириш ва энг асосийси бу патологияни олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилиб муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг еттига устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат курсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...» каби вазифалар белгиланган.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «...Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида...»⁴ ги ва 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармонлари, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жахон олимлари томонидан остеопороз муаммоси ва у билан боғлиқ бўлган суякнинг ва суяк тўқимасининг функционал ва патологик ўзгаришлари долзарб муаммолар сифатида ўрганилиб келинган бўлиб, ушбу муаммони ҳал қилишга охирги бир неча ўн йилликлар давомида илмий ишлар бағишланган. Бу муаммо hozirgi кунда ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Остеопорознинг кўплаб соматик касалликлар, биринчи навбатда овқат ҳазм қилиш тракти касалликлари билан боғлиқ бўлиши мумкинлиги кўплаб олимлар томонидан эътифдор этилган (Джоунс О. 2017). Айрим олимлар сурункали панкреатити (СП) касаллиги суяк минерал зичлигининг остеопения даражасида пасайишига сабаб бўлиб, бунда D витамини сўрилишининг бузилиши ва гипокальцемия, ҳамда йўғон ичакда нажас шаклланишининг бузилиши ва малабсорбция синдроми натижасида кальцийнинг ҳаддан ташқари организмдан экскрецияси тезлашиши ривожланади деб ҳисоблашади (Пасиешвили Л. М., 2016). Остеопороз касаллиги ҳазм найи касалликлари хусусан, ичакларнинг

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисидаги Фармони.

сурункали яллиғланиш касалликлари оқибатида ривожланиши тўғрисида кўплаб олимлар эътироф этишган (Булгакова С.В., Романчук Н.П. 2021, Фомина Л. А., Чернин В. В., Фомина М. 2021). Бу патология авваламбор организмдаги катаболизм жараёнларининг кучайиши ва ичакларда микроэлементлар сўрилишининг бузилиши билан бевосита боғлиқлиги ҳақида маълумотлар мавжуд (Шишкова В. Н. и др. 2021).

Республикамизда олимлари томонидан экспериментал омиллар таъсири натижасида ичак шиллиқ пардаси эпителийси эндокрин хужайраларининг ҳолати ва фаоллиги, мелатонин, доксиламина сукцинат таъсири ва ёғ моддасига бой озуқа билан боқилган ҳайвонлар ичаги шиллиқ пардаси эпителийси эндокрин хужайраларидаги реактив ўзгаришлар ўрганилган (Дехканов Т.Д., Бойкузиев Х.Х., Орипов Ф.С. 2016 Дехканов Т.Д., Орипов Ф.С. 2021, Дехканов Т.Д., Рахмонов З.М., Дехканова Н.Т. 2014, Мирзаева С.С., Орипова А.Ф., Орипов Ф.С. 2021). Кўп туғган ва постменопаузал даврдаги аёлларда ОП натижасида сон суяги бўйинчасининг синишлари клиник ва рентгенологик усуллар, денситометрия ва статистик усуллар қўлланилган ҳолда ўрганилган ва бунинг сабаби полиэтиологик фактор деб хулоса қилинган. Бу гуруҳ аёлларда эрта ташхислаш ва уларни ҳисобга олиш зарурлиги айтиб ўтилган (Раззоков А.А., Эхсонов А.С. 2019).

Аммо эндокриноцитларнинг шу сингари таъсирларга жавобан реакцияси етарлича ўрганилмаган ва ҳозирги кунда ўрганилмаган муаммолар етарлича бўлиб, пострепродукцион даврда ингичка ичак эпителийси эндокрин хужайралари реакцияси тўғрисида маълумотлар мавжуд эмас. Ҳазм қилиш тизими барча аъзоларида кечадиган патологик жараёнлар ва сурункали касалликлари кальций моддаси алмашинуви ва ичакларда сўрилишига салбий таъсир кўрсатиб, қонда кальций моддаси миқдорининг пасайишига ва охир оқибат суяк минерал зичлигининг пасайиши (остеопения ва остеопороз)га олиб келади.

Бироқ биз ингичка ичак нерв ва эндокрин аппарати морфологияси, ҳамда суякнинг минерал зичлигини пострепродукцион даврда комплекс ўрганишга бағишланган илмий ишларни учратмадик. Агар функционал фаолият жараёнида интрамурал нерв ва диффуз эндокрин аппаратларининг аҳамияти муҳимлигини эътиборга олсак, ингичка ичак бошқарув аппарати ҳолати ва суякнинг минерал зичлиги орасида клиник-морфологик боғлиқликни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ичак деворида сўрилиш фаоллиги унинг маҳаллий бошқарув тизимига бевосита боғлиқдир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01980006703 "Диагностика, даволаш ва профилактиканинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш" (2020-2022 йй) илмий лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Пострепродукцион даврда ингичка ичак маҳаллий нейроэндокрин тузилмалар морфологияси ва суяк тўқимасининг минерализациясини ўрганишдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Репродукцион даврдаги лаборатория ҳайвонлари ингичка ичагининг нейроэндокрин тузилмалари морфологияси ва суяк тўқимасининг минерализациясини аниқлаш;

пострепродукцион даврдаги лаборатория ҳайвонлари ингичка ичагининг нейроэндокрин тузилмалари морфологияси ва суяк тўқимасининг минерализациясини тажрибада ўрганиш ва баҳолаш;

ингичка ичакда сўрилиш бузилиши билан боғлиқ бўлган беморларда сенил остеопорознинг учраш частотасини ўрганиш ва асослаб бериш;

суяк тўқимасида сенил остеопороз билан боғлиқ остеопоротик синишлар юзага келган беморларда асоратлар олдини олиш тавсияларини такомиллаштириш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида “Сон суяги бўйинчасидан синишлар” ташхиси билан шифохонада даволанган 58 нафар беморлар, рентген бўлимига амбулатор мурожаат қилган 70 нафар беморлар, ҳамда репродукцион ва пострепродукцион ёшдаги 45 та тажриба қуёнлари олинган.

Тадқиқот предмети сифатида касаллик тарихлари, рентгенограммалар, денситометрик маълумотлар олинган. Экспериментал ўрганиш мақсадида қуёнлар ингичка ичаги барча қисмларидан олинган гистологик кесмалар ва суяк тўқимаси минерал зичлигини ўрганиш учун уларнинг сон суяклари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда морфологик, морфометрик, электрон-микроскопик, иммуногистохимёвий, суяк минерал моддаларининг спектрал тахлили, клиник ва инструментал, ҳамда статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба сенил остеопороз модели сифатида олинган қари лаборатор ҳайвонларда ингичка ичак маҳаллий бошқарув тизими морфологияси ва суяк тўқимасининг минерализация даражаси аниқланган. Ингичка ичак маҳаллий нейроэндокрин тузилмалари ҳолатининг суяк тўқимаси минерализациясига ва минерал моддаларнинг сўрилишига таъсири кўрсатиб берилган;

илк маротаба суяк тўқимаси ғовак ва компакт моддаларнинг нисбатини рентгенограммаларда аниқлашнинг инновацион усули ишлаб чиқилди;

илк маротаба пострепродукцион даврда лаборатор ҳайвонларда ғовак ва компакт моддаларнинг нисбати бошқарув пептидлар ҳосилалари ва нерв тузилмаларининг ҳолатига боғлиқлиги аниқланган;

суяк тўқимасида сенил остеопорозни эрта ташхислаш ва у билан боғлиқ остеопоротик синишлар юзага келган беморларда асоратлар олдини олиш буйича профилактик чоралар алгоритми ишлаб чиқилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

репродукцион ёшдаги қуёнлар ингичка ичагининг нейроэндокрин тузилмалари морфологияси ва суяк тўқимасининг минерализацияси даражаси аниқланган ва нейроэндокрин тузилмаларининг суяк минерализациясининг пасайишидаги ахамияти асослаб берилган;

Пострепродукцион ёшдаги қуёнлар суяк тўқимасида юзага келадиган остеопоротик ўзгаришларнинг ёшга боғлиқлиги асослаб берилган;

ингичка ичакда сўрилиш бузилиши билан боғлиқ бўлган беморларда сенил остеопорознинг учраш частотаси аниқланган;

суяк тўқимасида сенил остеопорозни эрта ташхислаш ва у билан боғлиқ ўзгаришлар юзага келган беморларда асоратлар олдини олиш буйича профилактик алгоритм ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотларда замонавий экспериментал, морфологик, морфометрик, спектрал таҳлил, электрон-микроскопик, иммуногистохимёвий ва статистик усулларни қўллаш, етарли миқдорда клиник-инструментал ва тажриба материалларининг мавжудлиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий тасдиқланганлиги, уларнинг маҳаллий ва хорижий муаллифлар илмий ишлари билан таққослангандаги ишончлилиги, ўрнатилган хулосалари, шунингдек ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пострепродукцион даврда ингичка ичак маҳаллий нейроэндокрин бошқарув тизими морфофункционал ҳолати организм суяк тўқимасининг минерализация даражасига ва минерал моддаларнинг сўрилишига таъсир кўрсатиши билан асослаб берилган. Суяк тўқимаси минерализация даражасини рентген расмларида компакт ва ғовак моддаларининг нисбатини аниқлашнинг инновацион усули ёрдамида миқдорий аниқлаш имкониятини берган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ингичка ичак маҳаллий регулятор аппарати, жумладан нейроэндокрин аппаратининг ингичка ичакда кальций сўрилишидаги, шу билан бирга сенил остеопороз патогенезидаги аҳамиятини асослаб беради. Рентгенограммалар ёрдамида суяк тўқимаси ғовак ва компакт моддаларининг нисбатини аниқлашнинг янги инновацион усулини ишлаб чиқиш морфологик усул билан суяк тўқимаси зичлигини аниқлашга ва ўз вақтида остеопорозга мойиллик даражасини кўрсатиб бериши билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пострепродукцион ёшдаги қуёнлар ингичка ичаги нейроэндокрин тузилмалари морфологияси ва сон суяги тўқимаси минерализация даражасини, ҳамда суяк тўқимасида сенил остеопороз билан боғлиқ остеопоротик синишлар юзага келган беморларда клиник ва инструментал-лаборатор текширувлар ўтказиш натижасида олинган илмий натижалар асосида тиббиёт муассасалар амалиётига амалий тавсиялар жорий қилинган.

Самарқанд давлат тиббиёт университети Эксперт кенгашининг 2023 йил 06 июндаги 30-сонли хулосасига кўра (илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2023 йил 05- июлдаги 8872-сонли хати тақдим этилган):

репродукцион ва пострепродукцион ёшдаги қуёнлар сон суяги ҳамда ингичка ичак солиштирма морфологияси, кекса ва қари ёшдаги беморларда

клиник инструментал текширувлар ўтказиш натижаларининг тахлили суяк тўқимасида сенил остеопорозни эрта ташхислаш ва у билан боғлиқ ўзгаришлар юзага келган беморларда асоратлар олдини олиш имконини берувчи “Кекса ва қари ёшдаги одамларда остеопорозни эрта ташхислаш ва профилактикаси” мавзусидаги услубий тавсия тасдиқланди (Самарқанд давлат тиббиёт университети эксперт кенгаши томонидан чоп этишга рухсат берилган №21 29.05.2023 й). Мазкур услубий тавсияномадаги маълумотлар пострепродукцион даврдаги одамларда остеопороз касаллигини эрта ташхислаш ва остеопоротик синишлар профилактикасини таъминланиш имкониятини берган;

кекса ва қари ёшдаги одамларда суяк тўқимаси минерал зичлиги, компакт ва ғовак моддалари нисбатининг морфологик ва морфометрик параметрларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд вилояти ногиронлар реабилитацияси маркази (10.06.2023 йилдаги 34/А-сонли буйруқ асосида) амалиётига, Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (19.06.2023 йилдаги 59-сонли буйруқ) амалиётига ва Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали (17.06.2023 йилдаги 50-сонли буйруқ) асосида амалиётига тадбиқ этилган.

Суяк тўқимасида сенил остеопороз билан боғлиқ ўзгаришлар юзага келган беморларда асоратлар олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган профилактик эрта ташхислаш алгоритмининг амалиётга тадбиқ этилиши остеопороз натижасида юзага келиши мумкин бўлган синишлар ва асоратларни эрта аниқлаш ва профилактикасини оптималлаштириш, даволаш чора-тадбирларининг самарадорлигини ошириш имконини берган. Илмий янгиликларнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида 1 нафар бемор ҳисобига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларини 3 250 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг хажми 116 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор

йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Суяк тўқимаси минерализацияси, пострепродукцион даврдаги ўзгаришлари ва ҳазм найи нейроэндокрин тизимининг аҳамияти ҳақидаги замонавий маълумотларга бағишланган илмий адабиётлар шарҳи»** деб номланган биринчи бобида, маҳаллий ва хорижий илмий адабиётлар таҳлил қилинган. Бобнинг *“Ҳазм тизими аъзолари морфофункционал ҳолатининг суяк тўқимаси минерал зичлиги шаклланишидаги аҳамияти ва остеопороз ривожланишидаги ўрни”* деб номланган биринчи бўлимида суяк минерал зичлигининг пасайишининг ҳазм найи тизими касалликлари ва морфологияси билан боғлиқ кўплаб адабиётлар, уларни таҳлил қилиш орқали ўрганилаётган мавзунинг муаммолари аниқланган. Ҳазм найи тизимида ҳар хил патологиялари бор беморларда остеопороз касаллиги учраш частотаси ва уларни эрта ташхислашга оид адабиёт манбаларининг таҳлили келтирилган. Бобнинг *“Ичак касалликларининг суяк минерал зичлиги бузилиши ва остеопороз ривожланишидаги аҳамияти ва ўрни”* бўлимида остеопороз касаллигининг ҳазм найи касалликлари хусусан, ичакларнинг сурункали яллиғланиш касалликлари оқибатида ривожланиши ва ўрни тўғрисидаги кўплаб адабиётлар таҳлили изоҳланган. Бобнинг *“Пострепродукцион даврдаги остеопороз ривожланишининг сабаблари тугрисида мулоҳазалар”* деб номланган бўлимида дунё аҳолиси орасида кекса кишиларнинг кўпайиши, пострепродукцион даврдаги кекса ва қари одамларда, постменопаузал ёшдаги аёлларда остеопения ва остеопороз муаммолари билан кузатиладиган синишлар, уларнинг профилактикаси ва ташхиси ҳақидаги адабиётлар таҳлили берилган.

Диссертациянинг **«Пострепродукцион даврда ингичка ичак нерв ва эндокрин аппарати, ҳамда суяк минерал зичлиги морфологиясининг тадқиқот материали ва ўрганиш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида муаммонинг ечимини таъминлайдиган тадқиқот усуллари ва ёндашувлар тўлиқ тавсифланган. Белгиланган вазифаларни бажариш учун тадқиқот материали сифатида Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий маркази Самарқанд филиалининг 1 катталар ўткир шикастланишлар оқибатлари бўлимида 2021 йил давомида Сон суяги бўйинчасидан синишлар ташхиси билан шифохонада даволанган 58 нафар беморлар касаллик тарихлари, рентген тасвирлари, пострепродукцион ёшдаги одамлар денситометрик маълумотлари олинган. Репродукцион ва пострепродукцион ёшдаги беморларда суякнинг компакт ва ғовак моддалари нисбатини ўрганиш учун РИТОИАТМСФ рентген бўлимига амбулатор мурожаат қилган 70 нафар беморлар рентгенограммалари компьютер ёрдамида ишлов берилиб ўрганилди.

Пострепродукцион ёшда остеопороз морфологиясини тажриба

хайвонларида ўрганиш мақсадида репродукцион ва пострепродукцион ёшдаги 45 та тажриба қуёнлари олинган. Тажриба хайвонлари 2010 йил 22 сентябрдаги Европа Парламенти ва Европа Иттифоқи Кенгашининг илмий мақсадларда фойдаланиладиган хайвонларни химоя қилиш бўйича 2010/EU директивасига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Этик қўмитадан лаборатория хайвонларида тажрибалар ўтказиш учун ёзма рухсатнома (ЎзР ССВ қошидаги Этика қмитасининг 31.03 2023 йил №1754-2/15 сонли баённомаси) асосида жонсизлантирилиб ўрганиш учун улардан ингика ичак ва суяк тўқимаси материаллари олинган. Олинган материаллар ўрганиш морфологик, морфометрик, умумгистологик, нейрогистологик, электрон-микроскопик, люминесцент-гистокимёвий, иммуногистокимёвий, суяк минерал моддаларининг спектрал таҳлили, клиник ва инструментал, ҳамда статистик тадқиқот усулларидан фойдаланишга асосланган.

Тажриба қуёнлари ингичка ичаги олиниб қотирилган ва парафинга қуйилган. Бунда ингичка ичакнинг бир қисми фиксациясиз криостатда музлатилган ва ундан олинган кесмаларга глиоксил кислотаси билан шўълаланувчи эндокрин хужайралари аниқлаш мақсадида Швалев В. Н. ва Жучкова Н. И. услуги бўйича ишлов берилган. Ингичка ичакнинг парафинли кесмаси Ван-Гизон, гематоксилин-эозин усуллари бўйича бўялган, Гримелиус усулида кумуш нитрат тузи билан импрегнация қилинган. Фиксацияланган материалнинг криостатда олинган кесмаси буюм ойнасига ёпиштирилган ва худди шу ҳолатда Бильшовский-Гросс услуги бўйича импрегнацияланган. Шўълаланувчи эндокриноцитлар ЛЮМАМ–ИЗ маркали люминесцент микроскопда ФС 1-4, ФС 1-6. филтрларидан фойдаланиб ўрганилган.


Ингичка ичак девори қаватлари морфометриясига таалуқли чизиқли ўлчамлари окуляр линейкада ўлчанган, унинг ўлчамларининг қийматини аниқлаш объект микрометр ёрдамида ўтказилган.

Натижаларни статистик ишлаш Pentium IV компютерида Microsoft Office Excel – 2012 дастурий таъминот тўплами ёрдамида, шу жумладан ўрнатилган статистик ишлов бериш функцияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган.

Диссертациянинг «Репродукцион ва пострепродукцион ёшдаги одамларда сон суяги тузилишининг солиштирма морфологик ва морфометрик хусусиятлари, минерал таркибининг аниқлашда замонавий текшириш усуллари натижалари ва аҳамияти» деб номланган учинчи бобида Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий маркази Самарқанд филиалининг (РИТОИАТМСФ) I Катталар ўткир шикастланишлар оқибатлари бўлимида 2021-йил давомида “Сон суягининг бўйинчасидан синишлар” таъхиси билан стационарда даволанган 58 нафар беморларда ўтказилган клиник ва инструментал тадқиқот натижалари келтирилган. 58 нафар беморларнинг 38 нафаридида ҳазм тизим аъзоларининг турли хилдаги касалликлари, жумладан 32% да сурункали энтероколит, 26% да сурункали гастроэнтерит, 21% да сурункали гепатит,

16% да ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраси, 6% нафарида эса Крон касаллиги аниқланган. Беморлар қонида витамин D ва кальцийнинг миқдори аниқланганда, уларнинг 32 нафарида (14 та эркак, 18 та аёл) гиповитаминоз D (30 нг/млдан пасайиши) ва гипокальциемия (1.7 ммоль/лдан пасайиши) аниқланган. Шундай қилиб сон суяги бўйинчасидан синиши билан текширилган беморларнинг 56 % да ҳазм тизими аъзоларининг у ёки бу касалликлари аниқланган бўлиб, уларнинг 84% да яққол гипокальциемия ва гиповитаминоз D аниқланган.

Ҳар хил ёшдаги РИТОИАТМСФ рентген бўлимида амбулатор мурожаат қилган 70 нафар беморларда сон суяги компакт ва ғовак моддаларининг ўзаро нисбати ўрганилганда (рентген суратлари нусхалари биз таклиф қилган махсус нуқтали ўлчов тўри ёрдамида аниқланган: 13.12.2019. № 1900 рақамли Рационализаторлик таклиф) репродукцион ва пострепродукцион ёшдаги аёлларнинг чаноқ - сон бўғими суякларида компакт ва ғовак моддаларнинг нисбий кўрсаткичлари шу ёшдаги эркакларникидан маълум даражада паст эканлиги, ҳамда пострепродукцион ёшда бу кўрсаткич эркакларда ҳам, аёлларда ҳам ишончли пасайганлиги аниқланган (1-расм).



1-расм. Ҳар хил ёшдаги эркак ва аёллар чаноқ-сон бўғими суяклари компакт моддасининг ғовак моддасига нисбатининг кўрсаткичлари.

DEXXUM T рентген денситометр аппарати ёрдамида денситометрик барча 58 нафар беморлар текширувдан ўтказилганда 28 нафарида - остеопороз аниқланиб уларнинг барчасини 60 ёшдан юқори ёшда бўлган беморлар ташкил қилган бўлса 12 нафарирда - остеопения аниқланди ва уларнинг 5 нафари 60 ёшгача ва 7 нафари 60 ёшдан юқори бўлган беморлар ташкил қилган.


Суяк синиши соҳалари рентгенограммаларининг электрон нусхаларига компьютер ёрдамида ишлов бериш йўли билан синиш чизиқларига аниқлик киритиш даражасини янада ошириш натижасида тўғри ташхис қўйиш самарадорлигини оширишга эришилган. Бунинг учун сон суяги бўйин қисми синиш ташхиси билан даволанаётган беморларнинг рентгенограммалари

негатоскопда суратга олиниб, уларнинг электрон нусхаларига Microsoft office дастури ёрдамида компьютерда ишлов берилган. Ишлов берилган нусхалар принтерда чиқарилиб, мақсадли йўналтириш йўли билан суякнинг зарур қисмлари ўрганилган (2-расм).



2-расм. Рентгенограмма нусхалари компьютер ишловидан олдин (А) ва кейин (Б).

Диссертациянинг «Репродукцион ва пострепродукцион ёшдаги қуёнлар сон суяги проксимал қисмининг солиштирма морфологияси» деб номланган тўртинчи бобида репродуктив ва пострепродукцион даврдаги қуёнларнинг сон суяклари минерал таркиби ўрганилган. Бунинг учун тажриба ҳайвонларининг сон суяклари бир хил температурада қуритилгач электрон тарозида ўлчанган. Кейин суяклар муфел печида куйдирилган ва суяк қулининг оғирлиги ўлчаниб суяк умумий оғирлиги билан ўзаро нисбати чиқарилган. Бунда репродукцион ёшдаги қуёнларда бу кўрсаткич 0,33 га тенг бўлса, пострепродукцион ёшдаги қуёнларда 0,48 ни ташкил қилган. Сон суяклари қули таркибида кальций, фосфор моддалари миқдори аниқланган. Репродукцион даврдаги қуён сон суяклари қулида кальцийнинг ўртача миқдори умумий суяк қулининг 32% ни, фосфор эса 17% ни ташкил қилган бўлса, пострепродукцион даврдаги қуён сон суяклари қулида эса кальций умумий суяк қулининг 27% ни, фосфор эса 14% ни ташкил қилган.



3-расм. Репродукцион ва пострепродукцион даврдаги қуён сон суяклари қулида Са ва Р миқдорининг нисбий курсаткичлари.

Репродукцион даврдаги қуёнлар суякларининг таркибий қисмида органик моддалар (оксил, коллаген) нисбий миқдори пострепродукцион даврдаги қуёнларга нисбатан кўплигини аниқланган. Суякни куйдирилгандан кейинги кулининг спектрал анализи натижалари суякнинг асосий мустаҳкамлигини белгиловчи кальций ва фосфорнинг миқдори пострепродукцион даврдаги қуёнларда сезиларли даражада камлиги ва бу ёшдаги қуёнларда сенил остеопорознинг ривожланишидан далолат бериши аниқланган (3-расм).


Пострепродукцион даврдаги қуёнлар қони зардобадаги витамин D, кальций ва магний моддаларининг репродукцион даврдаги қуёнлар қони зардобадаги худди шундай моддаларга нисбатан кескин камлиги аниқланган (1-жадвал).

1-жадвал

Репродукцион ва пострепродукцион даврдаги қуёнлар қони таркибидаги кальций, магний ва витамин D нинг миқдорининг қиёсий натижалари


Қуёнлар ёши	Ca^{2+}	Mg^{2+}	витамин D
Репродукцион давр	0.64±0.03*** ммоль/л	0.217 ±0.01*** ммоль/л	28.99±1.34*** нг/мл
Пострепродукцион давр	0.42±0.02 ммоль/л	0.145±0.01 ммоль/л	19.33±0.90 нг/мл

Репродукцион ва пострепродукцион ёшдаги қуёнлар ингичка ичаги девори қаватлари қалинлигининг морфометрик кўрсаткичлар аниқланган. Морфометрик текширишлар тахлили пострепродукцион ёшдаги қуёнлар ингичка ичаги девори репродукцион ёшдаги қуёнлар ингичка ичагига нисбатан сезиларли даражада (20.4%га) юққалашгани аниқланган ва қаватлари солиштирилганда юққалашуви асосан шиллик парда ҳисобига эканлиги аниқланган (4-расм).





4-расм. Репродукцион ва пострепродукцион ёшдаги қуёнлар ингичка ичак деворининг солиштира морфометрик кўрсаткичлари.

Диффуз эндокрин тизимининг хужайралари ингичка ичакда моддаларнинг сўрилишини таъминлайдиган ҳошияли эпителиоцитлар - хужайралар орасида жойлашган. Етук қуёнлар ингичка ичак деворида очик ва ёпиқ типдаги эндокрин хужайралар топилган. Ингичка ичак ворсинкалар эпителийси таркибида очик типдаги эндокриноцитлар, криптлар эпителийси таркибида эса ёпиқ типдаги эндокриноцитлар кўпроқ учрайди. Гистологик препаратларда очик типдаги эндокриноцитлар конуссимон шаклга эга (5-расм).



5-расм. Вояга етган қуён ингичка ичаги криптлари деворидаги эндокрин хужайралар (стрелкалар билан кўрсатилган). Гримелиус усулида импрегнация. Об.20, ок.10.


Пострепродукцион ёшдаги қуёнлар ингичка ичак шиллик қавати эпителийсида эндокрин хужайралар сони камайгани, агар ёш ҳайвонларда ингичка ичак девори шиллик қават эпителийсида микроскопнинг кўриш майдонидаги миқдори ўртача 6 дан 9 гача бўлса, пострепродукцион даврдаги қуёнларда бу кўрсаткич 4 ва 5 га тенглиги аниқланган. Шу билан бирга, очик типдаги эндокриноцитлар сони ҳам камайганлигини кузатиш мумкин.




6-расм. Қуёнлар ўн икки бармоқли ичаги эпителийси очик типдаги эндокриноцитларнинг ҳар хил шўълаланиш даражаси. Глиоксил кислотаси билан ишлов бериш. Об.20. гомаль 5.

Глиоксил кислотаси билан ишлов берилган препаратларда очик типдаги зумрад-яшил (катехоламинлар тутувчи) ва оқиш-сарик рангда шуълаланувчи (серотонин тутувчи) эндокриноцитлар ворсинкалар ва крипталар эпителийси таркибида аниқланган. Ҳар хил шўълаланувчи қисмлар нисбати бир хил эмас (6-расм).

Ингичка ичак шиллиқ пардаси эпителийси таркибидаги эндокрин ҳужайраларида кузатиладиган ўзгаришлар уларнинг электрон микроскопик препаратларида ўрганилган. ЕС- ва S ҳужайралари асосан ўн икки бармоқли ичак ва камроқ миқдорда оч ва ёнбош ичак девори шиллиқ пардаси эпителийси таркибида (7-расм), EG – ҳужайралари эса ингичка ичакнинг барча қисмларида учраши аниқланган.



7-расм. Репродукцион ёшдаги қуёнларининг ўн икки бармоқли ичак ЕС-ҳужайралари: СГ - секретор доначалар, ЗЭПС - донатор эндоплазматик тўр, АГ - Голжи аппарати. 12500 марта катталаштирилган.



8-расм. Пострепродукцион даврдаги қуёнлар ўн икки бармоқли ичаги ЕС ҳужайралари: СГ-секретор доначалар, АГ-Голжи аппарати, Я-ядро. 12500 марта катталаштирилган.

Пострепродукцион даврдаги қуёнлар ингичка ичаги шиллик қавати эпителийсининг эндокрин хужайраларини электрон микроскопик текширилганда ЕС хужайраларида синтетик аппарати фаоллигининг ошганлигига хос сезиларли даражадаги ўзгаришлар аниқланган бўлса (8-расм), EG ва S хужайраларида эса сезиларли ўзгаришлар аниқланмаган.


Пострепродукцион даврда эстроген моддасининг етишмовчилиги натижасида ЕС - хужайраларининг секретор фаоллиги ошади. Серотонин сув ва электролитларнинг сўрилишини секинлаштиради. Мелатонин хужайра мембраналарининг билипид қатлами орқали кириб боради ва хужайра цитоплазмасида кальцийни боғлайдиган калмодулин оқсилнинг антагонисти сифатида таъсир кўрсатади, бу эса ичакда кальцийнинг сўрилишини ва унинг қондаги миқдорининг пасайишига, ҳамда унинг сийдик билан чиқарилишига сабабчи бўлади. Интрамурал нерв тузилмалари маҳаллий эндокрин хужайралари билан ҳамкорликда ингичка ичакнинг функционал фаолиятини тартибга солишда бевосита иштирок этади. Ингичка ичак девори шиллик ости пардасидаги Мейснер нерв чигали, мушак қаватлари орасидаги Ауэрбах нерв чигали мавжуд. Шиллик ости қавати нерв чигалида катта нерв тугунлари, уларда тўлиқ етилган узун аксонли ва тенг ўсимтали нерв хужайралари, Догелнинг учинчи тип нерв хужайраларига кирувчи айрим нейронларни, жуда кам ҳолатларда учрайдиган якка-дуikka нейробластларни кўриш мумкин (9-расм).



9-расм. Репродукцион ёшдаги қуён ингичка ичаги деворидаги нерв толалари ткхутамлари ва кесишган жойдаги нерв тугунлар.


Бильшовский гросс усулида импрегнация. Ок. 10. Об. 20.

Мейснер нерв чигали тугунлари таркибида кенг ўсимтали нерв хужайралари кўпчилики ташкил қилса, Ауэрбах нерв чигали таркибида узун аксонли нерв хужайралари кўпроқ. Пострепродукцион ёшдаги қуёнларнинг ингичка ичаги деворида жойлашган интрамурал нерв аппарати нерв хужайралари ўсимталари гиперплазияси, тигроид моддасининг қайта тақсимланиши ва глиоцитларнинг кескин гиперплазияси билан характерланади. Пострепродукцион ёшдаги қуёнларнинг барча нерв структураларида, жумладан нейронлараро синаптик охирларида ҳам реактив ўзгаришлар кузатилади. Нейронлараро синаптик нерв охирларидаги реактив ўзгаришлар, нерв толаларининг гиперимпрегнацияси, гипертрофияси, варикоз кенгаймалар ва фрагментация ўчоқлари аниқланади (10-расм).



10-расм. Пострепродукцион ёшдаги куён ингичка ичаги деворидаги гиперимпрегнация, варикоз кенгайиш ва фрагментацияга учраган нерв толалари. Бильшовский Гросс усулида импрегнация. Ок. 10. Об. 20.

Шундай қилиб, пострепродукцион ёшдаги лаборатория ҳайвонларида ингичка ичакнинг маҳаллий диффуз эндокрин аппарати ва у билан ҳамо-ҳанг фаолият кўрстадиган интрамурал нерв тузилмаларида ўзгаришлар аниқланган бўлиб, бу сўрилиш жараёнларининг бузилишига олиб келади. Бу ҳолат ўз навбатида, қонда кальций концентрациясининг ва суяк тўқималарининг минерализация даражасининг пасайишига олиб келиб, сенил остеопорознинг ривожланишининг асосий сабабларидан бири бўлиб ҳисобланади.




11-расм. Поострепродукцион ёшдаги куёнлар суяк тўқимасида Kalsitonin реагентининг реакцияси диаграммаси.

Репродукцион ва пострепродукцион ёшдаги куёнлар ингичка ичаги ва суяк тўқимасининг иммуногистохимёвий жиҳатдан ўрганиш натижасида репродукцион ёшдаги куёнлар суяк тўқималарининг 16 % да Kalsitonin реагентининг паст позитив реакцияси, 33 % да ўрта позитив реакцияси ва

50% да юқори позитив реакцияси жараёни кузатилган. Пострепродукцион ёшдаги қуёнлар суяк тўқималарининг 50% да паст позитив реакция, 50% да ўрта позитив реакция жараёни кузатилди. Юқори позитив реакция эса кузатилмаган (11-расм).


Иммуногистокимёвий олинган натижаларга кўра репродукцион ёшдаги қуёнлар ингичка ичак тўқималарининг 33 % да СК-19 (цитокератин) реагентининг ўрта позитив реакцияси, 66.3 % да юқори позитив реакция жараёни кузатилган. Негатив ва паст позитив реакция кузатилмаган. Пострепродукцион ёшдаги қуён ичак тўқималарининг 33 % да негатив реакция ва 66.3 % да паст позитив реакция жараёни кузатилган. Ўрта ва юқори позитив реакция кузатилмаган (12-расм).



12-расм. Поострепродукцион ёшдаги қуёнлар ингичка ичак тўқимасида СК-19 (цитокератин) реагентининг реакцияси диаграммаси.

Пострепродукцион ёшдаги қуёнлардан иммуногистокимёвий олинган натижаларга кўра уларнинг ичак шиллиқ қавати крипталари соҳаси эпителийсининг асосий қисмида ичак эпителийсининг кўплаб яллиғланиш жараёнлари ва гранулоцитларнинг инфильтрацияси ва яллиғланишдан кейинги хужайра атрофияси, нейтрофиллар, эозонофиллар купайишига олиб келгани аниқланган. Ичак эпителийсининг ядролари ва мембраналари шикастланган ҳолдалиги ва атрофияси ҳисобига негатив ва паст даражали позитив реакция жараёни кузатилган. Патоморфологик ва иммуногистокимёвий олинган натижалар пострепродукцион ёшдаги лаборатория ҳайвонларида ингичка ичакнинг маҳаллий диффуз эндокрин аппаратида ўзгаришлар кузатилганини, бу эса сўрилиш жараёнларининг бошқарилишининг бузилишига олиб келиши мумкинлигини таъкидлаган. Ўз навбатида, қонда кальций концентратциясининг ва суяк тўқималари минерализацияси даражасининг пасайишига олиб келиб, сенил остеопорознинг ривожланишининг сабабларидан бири бўлиши мумкинлиги ниқланган.

Сенил остеопороз касаллигини эрта ташхислаш алгоритми



ХУЛОСА

1. Репродукцион даврдаги куёнлар ингичка ичаги девори барча пардалари яхши ривожланган, эндокриноцитлари очик ва ёпиқ типдаги хужайраларидан иборат, тарқалиш зичлиги юқори, интрамурал нерв тутамлари, 3та типдаги Догель хужайраларидан иборат тугунлари ва нерв охирлари яхши ривожланган. Суяк тўқимасида органик моддалар нисбий миқдори, ҳамда суякнинг асосий мустаҳкамлигини белгиловчи кальций ва фосфорнинг миқдори ҳам нормада бўлиб, суяк тўқималарининг минерализация даражаси пострепродукцион даврдаги куёнлардаги бундай кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланди.

2. Пострепродукцион ёшдаги куёнлар ингичка ичаги девори репродукцион ёшдаги куёнларникига нисбатан 20.4% га юпқалашгани, эндокриноцитлар тарқалиш зичлигининг камайгани, цитоплазмасида вакуолизация, эстроген моддасининг етишмовчилиги натижасида ЕС хужайраларида уларнинг функционал фаоллигининг ошишидан далолат берувчи синтетик аппарати органеллаларида сезиларли ўзгаришлар аниқланди. Интрамурал нерв тузилмаларидаги дегенератив ўзгаришлар, нерв толаларининг варикоз кегайиши, гиперимпрегнацияси, фрагментацияси аниқланган бўлиб, бу сўрилиш жараёнларининг бузилишига олиб келган. Бу ҳолат ўз навбатида, қонда D витамини, кальций ва магний моддаларининг, суяк тўқимасида кальций ва фосфор моддалари концентрациясининг, ҳамда суяк тўқималарининг минерализация даражасининг пасайишига олиб келган

бўлиб, сенил остеопорознинг ривожланишининг асосий сабабларидан бири бўлиб ҳисобланади.

3. Сон суяги бўйинчасидан синиши билан текширилган беморларнинг 56 % да ҳазм тизими аъзоларининг у ёки бу касалликлари аниқланган бўлиб, уларнинг 84% да яққол гипокальциемия ва D витамини етишмовчилиги, уларнинг 70% ни 60 ёшдан ўтганлар ташкил қилди. Бу беморларда бунинг сабаби кальций моддаси алмашинуви бузилиши бўлиб, у ҳазм тизими аъзоларининг ёшга доир ўзгаришлари ва организмдаги умумий моддалар алмашинувининг, жумладан ҳазм тизими аъзоларидаги моддалар алмашинуви нейроэндокрин бошқарувининг издан чиқа бошлаши билан изоҳланди. Репродуктив ва пострепродукцион ёшдаги аёлларнинг чанок - сон бўғими суякларидан компакт ва ғовак моддаларнинг нисбий кўрсаткичлари шу ёшдаги эркакларникидан маълум даражада паст эканлиги аниқланди. Пострепродукцион ёшда бу кўрсаткич эркакларда ҳам, аёлларда ҳам ишончли пасайди.

4. Пострепродукцион ёшдаги одамларда, айниқса постменопаузал ёшдаги аёлларда ва ҳазм найи аъзолари патологияси билан сурункали огриган беморларда компакт ва ғовак моддалар нисбий кўрсаткичи пасайишини, денситометрия усулининг нурланиш жиҳатдан кам зарарли, ҳамда иқтисодий томондан қулайлигини инобатга олиб, остеопорозни эрта ташхислаш ва остеопоротик синишларини профилактикаси ва олдини олиш мақсадида ҳар 6 ойда режали денситометрия ўтказиб туриш тавсия қилинади. Шунинг учун, сенил остеопороз касаллиги тиббий, ижтимоий ва иқтисодий долзарб муаммолигини ҳисобга олган ҳолда, сенил остеопорозни вақтида диагностика қилиш, даволаш ва профилактик чора тадбирларни ўзида мужассамлаштирган алгоритм ишлаб чиқилди ва бу алгоритм кенг қўламда аҳоли ўртасида жорий қилиниши зарур.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01_ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ХОЛХУЖАЕВ ФАРРУХ ИКРОМОВИЧ

**МОРФОЛОГИЯ НЕЙРОЭНДОКРИННЫХ СТРУКТУР ТОНКОЙ
КИШКИ И МИНЕРАЛИЗАЦИЯ КОСТНОЙ ТКАНИ В
ПОСТРЕПРОДУКТИВНОМ ПЕРИОДЕ**

14.00.02 – Морфология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за **B2022.3.PhD/Tib3008**.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета.

Научный руководитель:	Орипов Фирдавс Суръатович доктор медицинских наук
Официальные оппоненты	Хасанова Дилноза Ахроровна доктор медицинских наук Шатманов Суйнали Токтоназарович доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация	Ижевская государственная медицинская академия Российская Федерация

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2023 г. в ____ часов на заседании научного совета DSc.04/30.04.2022. Tib.93.01 при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: г. Бухара ул. А.Навоий шох, дом 1. Тел/факс: 0(+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № ____). Адрес: г. Бухара ул. А.Навоий шох, дом 1. Тел/факс: 0(+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2023 года.
(Реестр протокола рассылки № ____ от « ____ » _____ 2023 года).

А.Ш. Иноятов

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Н.Н.Казакова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук (DSc)

Б.З.Хамдамов

Председатель Научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук (DSc), профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Остеопороз - системное метаболическое заболевание скелета, характеризующееся уменьшением плотности компактного вещества костей и повышением риска развития их переломов. Социальная значимость остеопороза определяется его последствиями после переломов позвоночника и периферических костей скелета. Низкоэнергетические переломы, возникающие в результате остеопоротических изменений в костях, являются одной из основных причин инвалидности пожилых людей. Одним из недостатков диагностики данного заболевания является то, «...что оно развивается медленно, и в большинстве случаев обнаруживается клинически после проявления его осложнений, т. е. при переломах...»¹. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), ОП занимает четвертое место среди неинфекционных заболеваний после сердечно-сосудистых патологий, онкологии и сахарного диабета. В этих же данных отмечается, «...что ежегодно в мире проходят стационарное лечение от 800 000 до 1 000 000 пациентов с остеопоротическими переломами шейки бедренной кости, причем большинство этих пациентов составляют женщины...»².

Алиментарный сенильный остеопороз является одной из наиболее частых патологий костной ткани, а вызванные им патологические переломы костей надолго приковывают больного к постели и даже приводят к летальному исходу. Алиментарный сенильный остеопороз связан с высоким уровнем резорбции костной ткани. В таких случаях в результате нарушения всасывания кальция в тонкой кишке происходит снижение остеогенеза. Всасывание веществ в тонкой кишке, в частности кальция, связано с ее диффузным эндокринным и нервным аппаратом. Они оказывают прямое влияние на функциональную активность выстилающих (всасывающих) эпителиоцитов тонкой кишки. Изучение влияния серотонина на моторику кишечника, в том числе его стимулирующего эффекта на нейроэндокринный аппарат, содержание кальция в крови и минеральную плотность костей, а также на морфологию нейроэндокринного аппарата (регуляторной системы функций кишечника), в том числе на профилактику остеопороза, является актуальным вопросом. С этой точки зрения, «...релевантной задачей является изучение морфологии тонкой кишки, особенно ее нейроэндокринного аппарата, при алиментарном сенильном остеопорозе...»³.

В нашей стране принимаются комплексные меры, направленные на развитие медицинской сферы, в частности усовершенствование методов

¹ Дехканов Т.Д. и др. Морфология флюоресцирующих структур двенадцатиперстной кишки //European research, 2019. С. 183-187

² Хамдамова М. Т., Ахматова Д. Ф. Остеопороз у молодых женщин репродуктивного возраста, факторы риска //Биология и интегративная медицина. – 2021. – №. 1 (48). – С. 146-159.

³ Дудинская Е. Н. и др. Остеопороз у пожилых пациентов //Остеопороз и остеопатии. – 2019. – Т. 22. – №. 3. – С. 34-40.

лечения остеопороза, снижение риска развития осложнений данного заболевания, характеризующегося уменьшением минеральной плотности костной ткани, приводящим к инвалидизации и ухудшению качества жизни, а также профилактику этой патологии и достигаются определенные результаты. В связи с этим, в соответствии с семью приоритетными направлениями стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы, с целью поднятия уровня медицинских услуг оказываемых населению на новый уровень, определены такие задачи, как «...повышение качества квалифицированных медицинских услуг населению на уровне первичной медико-санитарной службы...»⁴.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Указами Президента Республики Узбекистан за № УП-6110 от 12 ноября 2020 года «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ» и за № УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы», Постановлениями Президента Республики Узбекистан за № ПП-4887 от 10 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по обеспечению здорового питания населения» и за № ПП- 4891 от 12 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путем дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Проблема изучения остеопороза и связанных с ним функциональных и патологических изменений кости и костной ткани стоит в центре внимания ученых со всего мира, а решению данного вопроса посвящены научные исследования последних нескольких десятилетий. Эта проблема остается актуальной и по сей день. Многими исследователями признано, что остеопороз может быть связан со многими соматическими заболеваниями, в первую очередь с заболеваниями пищеварительного тракта (Джоунс О. 2017). Некоторые ученые полагают, что заболевание хроническим панкреатитом (ХП) вызывает снижение минерализации костной ткани вплоть до уровня остеопении, при которой развиваются ухудшение всасывания витамина D и гипокальциемия, а также считают, что нарушение образования каловых масс в толстой кишке и

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» Фармони.

